


UZA | O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

2021 ЙИЛ МАРТ

ТОШКЕНТ – 2021

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

Илмий нашр

2021 йил март ойи сони

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов	Б.А.Назаров
М.Жўраев	А.Асқаров
А.С.Сагдуллаев	Д.Ю.Юсупова
С.С.Ғуломов	А.Х.Саидов
Ф.Г.Назиров	Т.Ў.Арипова
Р.Д.Курбанов	Қ.Р.Аллаев
М.Ҳ.Рустамбоев	С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжаев	И.С.Саифназаров
Н.А.Хусанов	Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

Мундарижа

Иқтисод

И.Х.АТАМИРЗАЕВ, Ж.К.ЁҚУБЖАНОВ. Гастрономия туризмини ривожлантириш истиқболлари-----	5
Е.В.ЛАДЫГИНА, З.Б.АБДУРАХМАНОВ. Таможенный аудит, как один из основных направлений упрощения таможенных процедур-----	17
С.К.ҲАМИДОВ, Ф.И.ЮЛДАШЕВ. Жаҳон туризм саноатида пандемик ҳолат ва унинг Ўзбекистон туризм муҳитига таъсири-----	35
С.ЯКУБОВА. Давлат-хусусий шерикликнинг хориж тажрибаси ва уларнинг таълимни ривожлантиришдаги роли-----	45
Г.Т.ИСМОИЛОВА. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш-----	53
Ш.Ш.АСАМХОДЖАЕВА. Инсон капиталининг ривожланганлик даражасини аниқлашда инсон камолоти индексининг ўрни-----	71
П.В.КИМ. Анализ эффективности государственной поддержки цифровизации страховой отрасли Узбекистана-----	82

Юридик

Ж.А.МАЖИДОВ. Йўл-транспорт ҳодисасини тергов қилишда исботлаш чегараларининг назарий асослари-----	95
---	----

Филология

Ш.А.ҲАСАНОВ. Шеърятда интеллектуал фалсафийлик-----	103
Ф.С.ОЛИМОВ. Навоий ижодида Жомий тавсифи-----	111
М.Р.БЕРДИМУРОВОВА. Қатағон (Хатаки)лар ва уларнинг тили-----	119
А.Х.ТИЛАВОВ. Айтган сўзинг дур бўлсин...-----	128
Т.ЖУМАЕВ. Ўзбек тилида тарихий сифат ясалишининг этимологик талқини ҳақида-----	139
Г.Қ.РАВШАНОВА. Сатирик кулгининг шакллари-----	148
Ф.ҚИЁМОВ. Алишер Навоий ижодининг абадиятга дахлдорлигини таъминловчи омиллар-----	158
А.Х.ХАЙРУЛЛАЕВ. Ҳикояда бадий нутқ шаклларининг хусусиятлари--	167
М.М. РАЙХОНОВА. Абдулла Орипов ижодида ватан талқини-----	176
Қ.МАМИРАЛИЕВ. Ўзбек шеърятда жанрлар мутациясига оид айрим мулоҳазалар-----	184
Х.С.ЮСУПОВА. Ҳозирги хитой тилида от туркумига оид сўзларнинг сўз кўшиш усулининг боғловчи модели асосида ясалиш хусусиятлари-----	196

АЙТГАН СЎЗИНГ ДУР БЎЛСИН...

Абдумурод Холмуратович ТИЛАВОВ

филология фанлари номзоди

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

a.tilavov@mail.ru

Аннотация

Ўзбек халқ достонларидаги пир ва пари тимсоллари халқимиз дунёқараши, отга бўлган муносабатининг бадиий талқинидир. Мақолада тарихий манбалар ва эпос қиёси орқали ушбу масала ёритилади.

Таянч сўзлар: халқ достонлари, парилар, от образи, Алпомиш, Қоражон, Фозил шоир, бадиий талқин.

ПУСТЬ СЛОВО ТВОЕ ПРЕВРАТИТЬСЯ В ЖЕМЧУГ

Абдумурод Холмуратович ТИЛАВОВ

Кандидат филологических наук, доцент

Университет узбекского языка и литературы имени

Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

a.tilavov@mail.ru

Аннотация

Символы шейх (пир) и пери в узбекских народных эпосах - это художественная интерпретация мировоззрения нашего народа, его отношения к коню. В статье данный вопрос освещается с помощью исторических источников и эпических сравнений.

Ключевые слова: народные эпосы, пери, образ коня, Алпомиш, Караджон, поэт Фозил, художественная интерпретация.

Ўзбек халқ достонларидаги от образининг бадиийлигини таъминловчи от эгарлаш, от таърифи эпизодлари, шунингдек достондаги баъзи ўринларда от образига хос бир муҳим жиҳат кўзга ташланади – жанговар от пирлар ва парилар билан боғланади. Ходи Зариф талқинича “машҳур синчининг фарзанди Гўрўғлининг ўз қўлида махсус тарбия натижасида етишган Гирот чилтанларнинг дуоси билан камолот касб этгандай тасвирланиши ҳам тез-тез учраб туради”.

Қайда борсанг, айтган сўзинг дур бўлсин,

Тутишсанг душмандан кўлинг зўр бўлсин,
Болам сени бир Худога топширдим.
Элу-халқни айтганимга кўндирдим,
Чулон бериб элу юртни тўйдирдим.
Чилтан берган Ғиркўкимга миндирдим,
Боргил болам, сени Ҳаққа топширдим.

(“Оға Юнуснинг олиб қочилиши” достонидан).

От эгарланар экан, чилтанлар ёдга олинади:

Қаранг энди, бек Соқи,
Ғир жиловин ушлади.
Устидаги довурини
Яланғочлаб ташлади.
Одамдай оқил дол Ғирот
Ҳеч қилмади ҳарбани.
Доим ёдига олди,
Қирқ чилтон арвоҳини [6;253].

Достонларимизда от тарбияси билан шуғулланувчи сайис – Соқибулбулнинг ҳам авлиёлардан таълим олганлиги айтилади: “Соқибулбул Ғўрўғлининг Ғиротига қарар эди. Лекин Соқибулбул Ғўрўғлига бошчи эди, у Чилтан тарбиясини кўрган эди” [5;211].

Тасаввуф таълимотидан маълумки, чилтан-қирқ пирлар, Оллоҳнинг дўстлари, яъни авлиёларга берилган номдир. Ер юзидаги эзгу ишлар, баъзан бало-қазоларнинг дафъи, залолатдаги айрим инсонларнинг ислоҳи ана шу хос бандаларга боғланади.

Хуллас, халқимиз орасида чилтан-пирларга нисбатан катта ҳурмат, эҳтиром мавжуд. Бинобарин, қаҳрамоннинг энг содиқ ёрдамчиси отни ҳам пирлар мададига боғлаш, отга илоҳий шарбат-шаробантахурнинг ичирилиши достончилик анъанасига зид ҳодиса эмас.

Қулоқ солмай душманларнинг зориға,
Ғанимни кўймадинг йўқу бориға.

Етиб бординг қирқ чилтаннинг ғорига,
Сув ўрнига шарбат ютган бедовсан [7;236].

Ҳадисларда авлиёларга қарши кин, адоватнинг ёмон оқибатларга олиб келиши таъкидланади. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадиси қудсийда шундай дейилади: “Ким менга яқин бўлган бандамга (валийга) адоват қилса, душманлик қилса, унга қарши уруш эълон қиламан” [3].

Чунончи, Аллоҳ таоло томонидан чилтон-пирлар воситасида *берилган* отга ҳам назокат, мулойимлик билан муомала қилиш лозим. Шунинг учун ҳам отга бекорга қаттиқ жабр қилинмайди:

Ёмонларнинг қилган иши миннатдир,
Остингдаги Чилтан берган Ғиротдир.
Қаҳрланиб, болам, ургувчи бўлма!

(“Оға Юнуснинг олиб қочилиши” достонидан)

Бундай “назаркарда от” эгасининг эса сафар ё жанг асносида пирларни ёдга олиш табиийдир:

Комил пирларни ёд этиб,
От қўйди душман устига.
Авазхон майдонда танҳо савашди,
Ғайро душманнинг ақли шошди.

(“Малика айёр” достонидан)

“Авазхон... Ғиротнинг қошига келди, якка жиловни ечиб олди. Ғиротни уч айланиб, туёғига бош уриб, Ғиротнинг манглайдан уч мартаба тавоф қилиб, аввал Худо, дуюм пиру пешволарни ёд қилиб, ё пирим деб, узангига оёқ қўйиб осилиб, отнинг белига рост бўлиб минди.

Очилиб боғнинг гулига,
Пири хабардор ҳолига...” [4;313]

Эзгу мақсад йўлида узоқ сафарга отланаётган қаҳрамон учун пирларнинг бўлиши катта имконият, ҳам бахт:

Отга миндим авлиёлар бор учун,
Белимни бойладим номус-ор учун.

Баракалла фалакнинг гардишига,
Элдин элга ошдим санам ёр учун.

Бунга муқобил ўлароқ пирлар ҳам уларни эслаганларнинг ёрдамига ҳозир бўлишади. Масалан, “Малла савдогар” достонида ўн икки ёшли Авазхонга пири шундай насиҳат қилади: “Эй Авазхон, олис мамлакатга юриш қилсанг, ғаним шаҳарга ният қилсанг, ёмон-ночор ишга хиёнат кўзингни солсанг, бизни пирым, деб ёд айламагайсан. Агар ҳалоллик билан кетсанг, ёнган оловнинг ичига тушсанг ҳам, бизни ёдингга олсанг, биз Худодан мурудингни тилаб, ўлимдан қутқарамиз”.

Жанговар от ва эгасининг ғалабасига пирлар сабаб бўлганлиги, ҳатто рақиб томонидан ҳам тан олинади.

“Нуралининг ютилиши” достонида “дол” Ғирот:

Одатини бошлайди,
Шохдорга ўзин ташлайди.
Оғзин очиб жонивор
Шохдорнинг елкасин тишлайди...
Қаранг, энди Шохдор деб
Одамдай доно Ғиротдан
Кўргилигин кўради [6;291-292].

Бу курашда мағлуб бўлиб, тавба қилган Шохдор дев Авазга: “Сенинг ҳақиқатдан ҳам пирларинг зўр экан, бўлмаса, ер юзида мендай зўр дев йўқ эди” дейди. Кўринаяптики, бу ўринда ҳам от ва қаҳрамондаги жанговарлик, кучлилик, ақллилик каби хислатлар пирларга боғланмоқда.

Пирлар, зарур бўлганда қаҳрамон отини қирчанғи отга айлантиришга ҳам восита бўладилар – от орқали улардаги кароматлар зоҳир бўлади.

“Малла савдогар” достонида “Гўрўғли” туркумидаги дostonларда деярли учрамайдиган лавҳа бор. Авазхон бир сиқим тупроққа пирлар ўргатган дуони уч қайтариб дам солиб, Ғиротнинг устига сочади. Натижада “ой коматли, босган изига қўшқанот уйлар тикилган, туёғидан отган тупроғи бир таноп ерга етган, тўрт оёғин ердан узиб шамолдай шариллаган, каптардай

дириллаб учган, назари қирқ газ бўлиб дарёдан ирғиб ўтган” Ғирот жуда кўримсиз отга айланади. Достончининг маҳорати шундаки, Ғиротнинг шу ҳолатини тасвирлашда ҳам жуда характерли, тингловчини жалб қиладиган, оригинал бадий тасвир воситаларини қўллайди: “Ғирот ийиғини ҳакка тешган, бош-орқаси саллала калладай шишган, ёлини шайтон эшган, у кунига ҳам қўймайди, неча жувозгарлар олиб бориб жувозга қўшган, ола қопдан довири, йигирмата яғири, чини билан югурса, пишакдай йўқ шобири бир отга айланди” [4;345].

Шуни таъкидлаш жоизки, отдаги қобилиятларнинг пирларга боғланиши бу образнинг салоҳиятига ҳеч қандай путур етказмайди. От, асосан ўзининг ҳаётий, реал хислатлари билан ўқувчи тасаввурида гавдаланади. Бинобарин, юқорида эслатиб ўтганимиздек, мифик қанот отда исталган ўринда пайдо бўлмаганидек, авлиёлар ҳам от энг оғир, чорасиз вазиятга тушиб қолганда ёрдамга етиб келишади. Чунончи, “оёғидан ўраб – кериб боғланган”, туёғига гулмих ва пичоқ урилган, қалмоқлар қилган зулмдан “чингириб (чинқириб) кишнаган, ётиб бўзлаган” Бойчиборга пирнинг ёрдамга келиши ҳам жонли, ҳам табиий чиққан.

“Алпомиш” достонининг 1992 йилдаги нашрида [1;137-139] жуда характерли лавҳага дуч келамиз. Бобоҳон тоғида Бойчибор билан “бойловли” қолган Қоражон авлиёлардан ёрдам истайди:

Ҳақ деб чиқар ғамли қулнинг овози,
Отингдан айланай ҳақиқат қози.
Садқанг бўлай, Хўжа Ҳофиз Шерозий,
Гуноҳкор бандангман, Раҳмон, бўл рози.
Умид қип йиғладим Ҳазрати Нурдан,
Ғам тортган лочинни қутқаргин тўрдан.

Шу лавҳа давомида Алпомишнинг Ражабхўжа исмли шайхга мурид тушганлиги – “қўл берган”лиги айтилади:

Бу сўзларни айтиб йиғлар Қоражон,
Бойчиборман бунда қолиб бул замон.

Армонман бойланган Бойчибор эди.

Бек Алпомиш ўз юртингда қўл берган

Ражабхўжа деган пири бор эди.

Бойчибор ва Қоражон оғир аҳволда ётган ана шундай бир пайтда Ражабхўжа пирнинг бир каромати зоҳир бўлади – пир Қоражонни, Қоражон эса Бойчиборни бандидан холос этади. Ҳоди Зарифов таъкидлаганларидек, отдаги куч-қудрат пирларнинг мададига боғланади:

Фалак титрар Қоражон нолишига,

Банда кўнар Тангри қилган ишига.

Бобохонда йиғлаб эди Қоражон,

Ражабхўжа пири етди қошига.

Кароматман келиб хабар олади,

Қоражоннинг қўлин чечиб кўради,

Қоражонни пир тарбият қилади.

Қоражонбек бул ўрнидан туради,

Ким чечганин ўзи билмай қолади [2;112].

Қоражон отнинг оёғини бўшатгач, пирнинг рухунати отнинг сағрисини силайди, қалмоқларнинг солган совуни ҳам ерга тушади. Ана шу рухунат отнинг тўшида туриб Қоражонга:

“Дам бу дамдир ўзга дамни дам дема,

Бошинг эсон, давлатингни кам дема...”

дея далда беради.

“Алпомиш”нинг Фозил Йўлдош вариантыдаги бошқа нашрларида эса, ўқувчига от айтаётгандай таассурот қолдиради. Чунки, худди шу нашрлардан “Эшоннинг рухунати Қоражонга кўринмайди, *отнинг* тўшида туриб Қоражонга бир сўзни айтди. Қоражон хаёлида “Менга Бойчибор гапираяпти”, деб турди. Бул эшоннинг рухунатининг “*айтаётган сўзи*” жумлалари олиб ташланган ва “*Отнинг... айтаётган сўзи...*” тарзда қисқартирилган.

Аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган лавҳадаги Қоражоннинг пирлардан ёрдам сўраши – авлиёларнинг файз-

барокотидан, химматидан фойдаланиш, Аллоҳнинг хос бандаларининг мададини Аллоҳдан иташ, пировардида яна Аллоҳнинг ўзидан ёрдам сўрашдир. Соддароқ ифодаляйдиган бўлсак бу – касал бўлганда Аллоҳдан шифо истаб, докторга боришга ўхшайди. Яъники, Аллоҳ дардимизга шифони доктор ёхуд дори воситасида беришигига ишонамиз, умид этамиз. Сувга чўкаётиб одамларни ёрдамга чақирган одам ҳам ким ёки нимадир сабаб бўлиб омон қолиши мумкин. Бинобарин, Қоражон пирларни ёрдамга чақиритдан олдин:

“Аввали Облодан (Аллоҳдан – А.Т.), дуёми пирдан,
Мискин умид қилар Алидай шердан”,

дейишни унутмайди.

Кузатишларимиз давомида ёзиб олганимиз қуйидаги ҳаётий воқеа масалага анча ойдинлик киритади, деб ўйлаймиз.

Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Сарой уруғига мансуб бир кишлоқда тўй муносабати билан “улоқ берилади”. Маълумки, бу кураш турида улоқни яққалатиб даврандан олиб чиқа олган от ва чавандоз ҳалол йўл билан ёлибликни қўлга киритган ҳисобланади.

Улоқни бараварига олган икки от уюрдан ажралиб, яқин орадаги “пастга қарасангиз, дўппингиз тушадиган” даражада чуқурликка томон кетишади. Жарликка яқин қолгач, улоқни жаҳд билан рақибидан тортиб олган чавандознинг оти ўзини тўхтатолмай, жарликдан сакрашга мажбур бўлади. Замонасининг илми, ўта тақводор, нур юзли эшонига қўл берган чавандоз “Аллоҳим, Ўзинг асра! Ё пирим, ёрдам беринг!” дейди ва омон қолишса, отни пирига ҳадя этишни хаёлидан ўтказди. Иттифоқо, от ерга жуда енгил “қўнади”.

Эртаси куни ўртоқлари билан эшоннинг зиёратларига келган чавандоз устозини бироз ҳорғин ва нохушроқ кайфиятда кўради. “Келинг ўғлим, келинг. Одам кўзга қараши керак, кеча эшон бувангизга бироз озор бердингизда”, дейди шайх ва кўйлагини кўтариб сиртини кўрсатади. Шайхнинг сиртида отнинг оёғининг изи қизариб турган бўлади...

Чунончи, Бойчибор ва Қоражонга Ражабхўжа эшон воситасида ёрдам берилишини тасвирловчи лавҳа Фозил шоир томонидан ғоятда табиий, самимий, жонли ифодаланган ва дostonнинг бадииятига ҳеч қандай путур етказмайди, деган фикрдамиз.

Бу лавҳани тўғри изоҳлай билиш учун эса, тасаввуф таълимотидаги каромат, шайх-муридлик муносабати, хусусан, шайхдан ёрдам сўрашликнинг асл моҳияти каби масалалардан воқиф бўлиш лозим, деб ўйлаймиз. Бинобарин, ушбу масаланинг жиддий ва чуқур таҳлили алоҳида мавзу доирасига киради.

Кузатишларимиз давомида кекса чавандозлар орасида ва умуман ажодларимизда донгдор, “хислатли” отларнинг париси борлиги ишончи мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Бундай отлар бошқа отлардан кўркамлиги ва ўта ақллилиги билан ҳам ажралиб туради.

Баъзи туркий қавмларда от парисининг ҳайз кўрган хотинларга ўч бўлиши ва энди туғилган чақалоқларни ўғирлаб кетишига ишонилади. Фарзанд кўрган аёл кечаси кўриқлаб чиқилмаса, жин, алвасти, шу билан бирга от парисининг ичкарига кириб аёлнинг ўпкаларини кўпориб олишидан хавфсирашади. Бунга йўл кўймаслик учун қишлоқ қизлари кўзи ёриган аёлнинг уйида тўпланишиб тонггача хурсандчилик қилишади, кўшиқ айтишади.

Профессор Абдулқодир Инон куйидаги маълумотни беради: “Кўзи ёриган аёлларга ўч бўлган бу ёмон рух Чин деворидан Родоплар, Шимолий Муз океанидан Ҳиндистонгача ёйилган бутун туркий эл ва элатларнинг фольклор ва ишончларида “Ал-хотин”, “Албаста”, “Албис”, “Алмис” каби номлар билан тилга олинмоқда”.

От париси от билан “ўйнаш”, хусусан унинг ёлини ўришдан хушланади. Унинг шаффоф вужудли, майин сочлари узун, гўзал аёл қиёфасида эканлиги ҳам айтилади. Баъзи чавандозлар ҳозир ҳам кечқурун таблага боғланган отларининг ёлларини эрталаб ўрилган ҳолда кўраётганларини, бу мутлақо от париси (деви)нинг иши эканлигини айтадилар. Шу ўринда “Алпомиш”

достонидаги бир лавҳани келтиришни лозим топдик. Алпомиш йилқилар ичидан от танлаётганида “ётган ерида бир қурхайт тортиб” тўксон тўқайдаги йилқини жамлаган Қултой Алпомишнинг қўлига қўриқ беради.

“Ҳақимбек қўриқни қўлига олди. Қўриқни йилқиларга солмоқчи бўлди. “Саман сарига туш, ё олапоча тўрига туш, шапақнинг зўрига туш”, деб қўриқни солди, *ёллари эшилган ипакдай* (таъкид биздан. –А.Т.) бир чипор отнинг бўйнига тушди”. “Ёллари эшилган” ана шу от “қамчи урса, учар қушни олувчи, назарқарда, хосиятли” Бойчибор от эди.

“Малла савлогар” достонида ҳам бахши Ғиротни “таъриф”лаётганда “*ёллари шайтон эилган*” жумласини ишлатади.

Балки ана шу эпизодлар ҳам от париси ҳақидаги халқ орасида ҳалигача яшаётган ишончининг достондаги бадий ифодасидир.

От париси ҳақида сўраган кишиларимиз, от париси от билан “ўйнаётганида” от эркалангансимон, кулгига яқин жуда ғалати овоз чиқаришини айтишди. Ўша пайтда от табласига овоз чиқармай, дабдурустдан кириб, от парисини кўрган одам ё бой бўлиши, ё оламдан кўз юмиши, ёхуд оғир хасталикка дучор бўлишига ишонилади. Шунинг учун отнинг табласига турли хил овоз чиқариб яқинлашиш тавсия қилинади.

“Равшан” достонида от парисидан келадиган зарар ҳақидаги тасаввурнинг таъсирини сезиш қийин эмас. Чунки бахши, Равшанбек отни эгарлашга келаётганида “нодонлик қилиб бир балога йўлиқиши”дан андиша қилади ва Равшанбекнинг отга яқинлашишдан аввал “турли-турли сўйлаганини” таъкидлайди:

Савдо тушди бек Равшаннинг бошига,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига.
Энди кўринг бек Равшандай полвонни,
Ғайрат билан борди отнинг қошига.
Энди қаранг Равшан нодон болага,
Қолмасин-да шу бола бир балога.
Томоша қинг бек Равшандай полвонни,

Етаклаб Жийронни чикди далага.
Ўтар дунё ўтарини ўйлади,
Ёш бачча-де, *турли-турли сўйлади.*
Олиб чиқиб Жийронқушни далага,
Олиб келиб, якка михга бойлади.

Достонларимизда от эгарлаш эпизодининг аксарият ҳолда от таърифи билан ёнма-ён келиши ҳам чавандозлик илмини санъат даражасига кўтарган халқимизда шаклланган тарихий, ҳам ҳаётий тажрибанинг оғзаки ижоддаги инъикоси, дейиш тўғри бўлади.

Ҳа, характерлиси шундаки, достонларда сайис дабдурустдан отга яқинлашмайди, отни эгарлашдан аввал уни таърифлайди. От эса, мақтовдан “анча кўтарилиб” эгарланишга тайёр ҳолга келади.

Масалан, “Алпомиш”да Қалдирғоч хафа бўлиб турган акасига отини:

Ўзи шундай келган экан човқар кўк,
Қуйриғидан берисида кири йўк.
Минганларга бўлар экан кўнгли тўқ.
Буни минсанг, ака, сенга душман йўк,
Минганда ирғийди бу арғумоғинг, –

дея таърифлагандан кейингина уни эгарлашга бошлайди:

Оша элга ошган тортар хўрликни,
Бек Алпомиш қилар букун эрликни.
Бисмилло, деб солди отнинг устига,
Кимхоби майиндан бўлган терликни.

Шуни таъкидлаш жоизки, достонлардаги жанговар отнинг пир ва парилар билан боғлиқлиги ҳақидаги юқоридаги фикрларимиз тугал ва мутлоқ хулоса бўлмай, бу – махсус, чуқур таҳил талаб қиладиган мавзу эканлигига қаноат ҳосил қилдик.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алпомиш. Достон. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Қайта нашрга тайёрловчилар: Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаев. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. 1-китоб. – 336 б.
2. Алпомиш. Достон. / Айтувчи Саидмурод Паноҳ ўғли. – Тошкент: Фан, 1972. – 112 б.
3. Ислом нури. – Тошкент, 1993. – 20 февраль.
4. Малла савдогар. Достон. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Гафур Ғулом, 1989. – 382 б.
5. Машриқо. Достон. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Гафур Ғулом, 1987. – 360 б.
6. Нуралининг ютилиши. Достон. / Айтувчи Бўри бахши Аҳмедов. – Тошкент: Гафур Ғулом, 1989. – 382 б.
7. Қундуз билан Юлдуз. Достон. / Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. – Тошкент: Фан, 1963. – 276 б.